

**“Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг
ижроия органи раҳбари– Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи
Омонов Улугбек Шукуруллаевич билан тузилган
МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ**

Узун тумани

2018 йил 31 июль

1. Умумий қоидалар.

1.1. Ушбу меҳнат шартномаси акциядорлик жамияти Устави асосида иш юритувчи Кузатув кенгаши раиси(аъзоси) Курбанов Шамситулла Аллаевич “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти (матн давомида Жамият) номидан ва Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи (матн давомида Бош директор этиб сайланган(тайинланган) Омонов Улугбек Шукуруллаевич иккинчи томон бўлиб. Жамият Кузатув кенгашининг 2018 йил 31 июннаги карорига асосан тузилди ва меҳнатга оид муносабатларни белгилайди.

1.2. Омонов Улугбек Шукуруллаевич жамиятнинг ижроия органи раҳбари-Бош директор лавозимига ишга қабул қилинади.

1.3. Шартнома асосий иш жойи бўйича шартнома ҳисобланади.

1.4. Шартнома Жамият Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган муддатга тузилди.

1.5. Меҳнат шартномаси уч ой синов муддати билан тузилди.

1.6. Мазкур меҳнат шартномаси бўйича Омонов Улугбек Шукуруллаевич Жамият Бош директори лавозим мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олади, Жамият эса унга иш шароитларини яратиб беришни, иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий-маишӣ шарт-шароитларини яратишини ҳамда қонун хужжатларига ва мазкур меҳнат шартномасига мувофиқ имтиёзларни бериш мажбуриятини зиммасига олади.

1.7. Бош директор ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларига, Жамият Уставига, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши карорларига ва узпаҳтасаноат АЖ топшириқларига амал қиласди. Бош директор лавозими бўйича Жамият ижроия органининг раҳбари ҳисобланади.

1.8. Бош директор ўз хуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш кўриши ва ўз хизмат мажбуриятларини ҳалол ва оқилона бажариши лозим.

2. Бош директорнинг мажбуриятлари.

2.1. Ўз ваколати доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;

2.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши қарорлари ва “Ўзпаҳтасаноат” АЖ топшириқлари бажарилишини ташкил этиш;

2.3. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ва Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида бир йилда камидан бир маротаба ва Жамият Кузатув ҳолати тўғрисидаги ахборотларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;

2.4. Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

2.5. Жамиятнинг шартномавий мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш;

- 2.6. Жамиятда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва молиявий ахволни яхшилаш борасида фойда олинишини таъминлаш;
- 2.7. Жамиятнинг фаолиятини норматив-хуқуқий ва соҳага тааллуқли меъёрий-техник хужжатларга мувофиқ ташкил этиш;
- 2.8. Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ташкил этилишини, унинг зарур ҳолатда бўлиши ва ишончлилигини таъминлаш, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли органларга, шунингдек, акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумотларни олувчиларга жўнатиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз вактида тақдим этилишини ҳамда белгиланган тартибда ошкор этилишини таъминлаш;
- 2.9. Жамият тафтишчиси, ички ва ташқи аудиторининг талабига кўра Жамият молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тақдим этиш;
- 2.10. Давлат статистика ҳисоботларини тўлиқлигини ва уларнинг тегишли органларга ўз вактида тақдим этилишини таъминлаш;
- 2.11. Жамият учун тижорат сири бўлган маълумотларни сир сақлаш;
- 2.12. Норматив-хуқуқий хужжатларда талаб этиладиган маълумотларни белгиланган тартибда ошкор этиш;
- 2.13. Хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- 2.14. Жамият номидан хужжатларни ва тегишли буйруқларни имзолаш;
- 2.15. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан яхшироқ фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;
- 2.16. Мехнат интизоми сақланишини, ижтимоий кафолатларга риоя этилишини, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- 2.17. Иш берувчининг вакилларини жамоа музокараларида қатнашишини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимларини тузишда иш берувчи сифатида иш кўриш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- 2.18. Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тегишли чораларни кўриш;
- 2.19. Ишлаб чиқариш заруриятига кўра Жамиятнинг молиявий ҳолати ва бизнес-режа кўрсаткичларидан келиб чиқиб, хақ эвазига маълум иш(хизмат)ни бажариш бўйича жисмоний шахслар билан фуқаровий - хуқуқий шартномаларни тузиш.

3. Жамиятнинг мажбуриятлари.

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Жамият Устави ва мазкур меҳнат шартномасида Бош директор ваколатига тегишли бўлган фаолиятга аралашмаслик;
- 3.2. Мазкур меҳнат шартномаси шартларига амал қилиш;
- 3.3. Бош директор ўз мажбуриятларини самарали бажариши ва хуқуқларини амалга ошириши учун уни зарур воситалар ва материаллар билан таъминлаш.

4. Бош директорнинг хуқуқлари.

- 4.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Жамият Устави ва мазкур меҳнат шартномасида унинг ваколатига тегишли бўлган Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалаларни мустақил равишда ҳал этиш;
- 4.2. Жамият номидан ишончномасиз иш кўриш, шу жумладан бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро хамкорликда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, банк ҳисоб рақамларини очиш, битимлар тузиш, фақат Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгashi ваколатига киритилган битимларни уларни рухсати билан тузиш, Жамият Устави ва норматив-хуқуқий хужжатларда кўрсатилган доирада мол-мулк ва пул маблағларини Жамият манфаатини кўзлаб тасарруф этиш, шартномалар тузиш, ишончномалар бериш ва ёзишмалар олиб бориш;

- 4.3. Жамиятнинг штатлар жадвалини “Ўзпахтасаноат” АЖнинг тавсияси асосида тасдиқлаш ва уни амалда қўллаш, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ҳамда уларни бекор қилиш;
- 4.4. Жамоа музокараларида ва жамоа шартномаларини тузишда Жамият номидан иш кўриш;
- 4.5. Ўз ваколатига киритилган масалалар бўйича Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- 4.6. Жамиятнинг молиявий ҳолати ва бизнес-режа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, кўшган меҳнат хиссасига асосан ходимларни рағбатлантириш;
- 4.7. Жамият ходимларидан ички тартиб қоидалари ва амалда бўлган бошқа локал хужжатлар талаблари ҳамда меҳнат шартномаси шартлари бажарилишини талаб қилиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизоми бузилган холларда уларга нисбатан интизомий жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллаш;
- 4.8. Ходим билан меҳнат шартномаси тузишда ходим учун Жамиятнинг хизмат ва тижорат сири хисобланган маълумотлар хажми ва таркибини аниқлаш.

5. Жамиятнинг ҳуқуқлари.

- 5.1. Бош директорнинг қонун хужжатларига, Жамият Уставига, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгashi қарорларига риоя этишини назорат қилиш;
- 5.2. Бош директордан мазкур меҳнат шартномаси бўйича мажбуриятларни халол ва тўла хажмда бажаришни талаб қилиш;
- 5.3. Бош директорни ўрнатилган тартибда рағбатлантириш;
- 5.4. Бош директорга интизомий жазо ва бошқа таъсир чораларни қўллаш;
- 5.5. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, Жамият Устави ва Жамиятнинг ички хужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

6. Меҳнатга ҳақ тўлаш. Таътил бериш.

Бош директорни ижтимоий-моддий таъминоти.

Мазкур меҳнат шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажарганлик учун Бош директорга :

- 6.1. Жамиятда белгиланган штатлар жадвалига мувофиқ лавозим маоши тўланади;
- Норматив-ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи оширилиши муносабати билан Бош директорнинг лавозим маоши ўзгариши мумкин.
- 6.2. Жамиятнинг молиявий ҳолати ва бизнес-режа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий хужжатларда ҳамда Жамият ички низомларида белгиланган миқдор ва тартибда моддий ёрдам, рағбатлантириш ва иш ҳақига тенглаштирилган бошқа тўловлар тўланади;
- 6.3. Бош директорга қонун хужжатларида белгиланган тартибда:
- а) асосий таътил (меҳнат таътили) **15** иш кунидан;
 - б) кўшимча таътил **9** иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган йиллик таътил белгиланади.
- 6.4. Мазкур меҳнат шартномаси амалда бўлган даврда Бош директор вафот этган холларда унинг оиласига лавозим маошининг **2** (икки) баробари миқдорида бир йўла тўланадиган нафака берилади.

7. Меҳнат шартномасининг бошқа шартлари.

- 7.1. Бош директор ўзининг айбли харакатлари (ёки харакатсизлиги) билан Жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида ва бошқа қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб беради, шу жумладан моддий жавобгар бўлади.
- 7.2. Мазкур меҳнат шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар меҳнат шартномаси томонларининг келишувига кўра қўйидаги ҳолларда киритилиши мумкин:
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига ўзгартиришлар киритилганда;
 - Жамият Устави ўзгарганда;

- мазкур меҳнат шартномаси томонларидан бирининг ташаббуси билан ёки тарафларнинг келишувига кўра.

7.3. Ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур меҳнат шартномасининг ажралмас қисми хисобланадиган ёзма ҳолдаги, меҳнат шартномасининг томонлари томонидан имзоланадиган, қўшимча келишув тарзида расмийлаштирилади.

7.4. Бош директор билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равища бузишларга қўйидагилардан бири киради:

-“Ўзпахтасаноат” АЖнинг ёзма қўрсатма(топшириқ) ижросини таъминламаслик;

-Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатларга ёки соҳага тааллуқли меъёрий ҳужжатларга амал қиласлик;

-Жамиятнинг молия-хўжалик аҳволини ёмонлашувига олиб бориш;

-Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгashi қарорлари ижросини таъминламаслик;

-Жамиятнинг тасдиқланган (маъқулланган) бизнес-режа қўрсаткичларини бажармаслик;

-камомадга йўл қўйиш (тегишли ҳужжатлар билан асослантирилганда).

7.5. Мазкур меҳнат шартномасига доир низолар ва англашилмовчиликлар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

8. Меҳнат шартномасини бекор қилиш.

8.1. Мазкур меҳнат шартномаси қўйидаги сабаблардан бирига кўра бекор қилиниши мумкин:

- тарафларнинг келишувига кўра;

- тарафлардан бирининг ташаббуси билан;

- меҳнат шартномасининг муддати тугаши билан;

- Бош директор янги муддатга сайланмаган(тайинланмаган)лиги муносабати билан;

- Бош директор касаллиги (ногиронлик) туфайли лавозимига нолойик бўлиб қолганда;

- Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгashi қарорига кўра, шу жумладан акциядорларининг хукуклари бузилганда, Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти жиддий равища ёмонлашганда ёки меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равища бузганда (мазкур меҳнат шартномасининг 7.4-бандида қўрсатилган);

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ёки норматив-хуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра.

8.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нұсхада тузилди, биринчи нұсхаси Жамиятда, иккинчиси Бош директорда сақланади.

Жамият номидан

Кузатув кенгashi раиси(аъзоси)

Курбанов Шамситулла Аллаевич

Жамият манзили: Сурхондарё вилояти,

Узун тумани,

А.Жомий кўчаси, 22-уй.


СТИР: 201068447

ИФУТ: 17111, МХОБТ: 172222551

“Агробанк” АТБ Узун тумани филиали,

МФО: 00341,

x/p: 202100002004300110001


(имзо)

Мухр

Бош директор этиб

тайинланган жисмоний шахс

Омонов Улугбек Шукуруллаевич

Яшаш манзили: Сурхондарё вилояти,


Узун тумани, Истиқлол МФЙ Ховот кўчаси .

44 уй

Паспорт CS 1827987, 06.02.2009 йил

Сурхондарё вилояти Узун тумани ИИБ
томонидан берилган.

СТИР: 549238176.


(имзо)



**“Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти
БҮЙРУК № 13 ш\т**

2018 йил “31 ” Июн

Узун тумани

2-§


**“Жамият бош директори вазифасига
вактинча тайинлаш түррисида”**

1. “Узун пахта тозалаш” АЖ бош директори лавзомига 2018 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорликларнинг йиллик умумий йиғилишигача Омонов Улугбек Шукрууллоевич тайинлансан.

2. Жамият номидан бош директор вазифасини вактинча бажарувчи Омонов Улугбек Шукрууллоевич билан тузилган меҳнат шартномасини (шартномани амал килиш муддати-2018 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатув кенгашин аъзоси Курбанов Шамситулла Аллаевичга берилсин.

Асос: “Узун пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгашининг 2018 йил 31 июлдаги 1-сонли йиғилиш баёни.

**“Узун пахта тозалаш” АЖ
бош директори**



У. Омонов

2018 йил 31 июлдаги